



KONFERENSIYA

**“ZAMONAVIY TA’LIM TIZIMINI
RIVOJLANTIRISH VA UNGA QARATILGAN
KREATIV G’OYALAR,
TAKLIFLAR VA YECHIMLAR”**

www.bestpublication.com |

@bestpublication |     | Street: Alisher Navoiy

FARG’ONA 2020



«BEST PUBLICATION»

Ilmiy-tadqiqotlar markazi

MAVZUSIDAGI 1-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
ON-LINE KONFERENSIYASI

MATERIALLARI TO‘PLAMI

14-OKTABR, 2020-YIL

1-QISM

“DEVELOPMENT OF A MODERN EDUCATION SYSTEM AND CREATIVE
IDEAS FOR IT, REPUBLICAN SCIENTIFIC-PRACTICAL ON-LINE
CONFERENCE ON "SUGGESTIONS AND SOLUTIONS"

14 OCTOBER 2020

PART-1



INDEX COPERNICUS
INTERNATIONAL



Ushbu to‘plamda “Zamonaviy ta’lim tizimini rivojlantirish va unga qaratilgan kreativ g‘oyalar, takliflar va yechimlar” mavzusidagi 1-sonli Respublika ilmiy-amaliy on-line konferensiyasiga kelib tushgan tezis va maqolalar o‘rin olgan.

Mazkur ilmiy-amaliy on-line konferensiyada zamonaviy ta’lim tizimini rivojlantirish jarayonida innovatsion ta’lim texnologiyalarini joriy etish va loyihalashtirish, integratsion ta’limni rivojlantirishda yo‘nalishlar bo‘yicha kreativ g‘oyalar, takliflar va yechimlarni amalga oshirish maqsad qilib olingan. Mazkur Respublika ilmiy-amaliy on-line konferensiya materiallaridan OTM professor-o‘qituvchilari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari va umumta’lim maktab o‘qituvchilari, mustaqil tadqiqotchilar, magistrantlar, ilmiy xodimlar, iqtidorli talabalar hamda shu sohada ilmiy ish olib borayotgan tadqiqotchilar foydalaishlari mumkin.

TAHRIRIYAT

Bosh muharrir

U.Q. Maqsudov

Mas’ul kotib

Xasanov Tursunali Xaydarali o‘g‘li
*Marg‘ilon shahar 11-umumiy o‘rta ta’lim maktabi Ma’naviy va
ma’rifiy ishlar bo‘yicha direktor o‘rinbosari*

Nashrga tayyorlovchi

Xakimova Aziza Xaydaraliyevna
*Sirdaryo viloyati, Guliston tumani 1-umumiy o‘rta ta’lim
maktabi Ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi*

Tahrir kengashi a‘zolari

Sultonali Mannopov

O‘zbekiston xalq artisti, professor

Tuychiyeva Inoyat Ibragimovna

Pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Shodiyev Furqat Davranovich

Navoiy davlat pedagogika instituti, Texnika fanlari nomzodi, Dotsent

Otaqulov Fozil Sobirovich

FarDU, bo‘lim boshlig‘i

Aslanov Xakimjon Ro‘ziboyevich

*FarDU, Harbiy ta’lim fakulteti Umumqo‘shin tayyorgarligi sikli boshlig‘i,
podpolkovnik*

To‘xtanazarov Ilhom Ibragimjanovich

*FarDU, Harbiy ta’lim fakulteti uslubiy tayyorgarlik sikli o‘qituvchisi
mayor*

Karimov O‘lmasbek Umaraliyevich

TATU Farg‘ona filiali o‘qituvchisi

Xudoyberddiyev Elyor Xatamovich

*O‘zbekiston Yoshlar ishlari agentligi Farg‘ona viloyat boshqarmasi
boshlig‘i o‘rinbosari, “Shuhrat” medali sohibi*

Mamatqulov Muzaffar Odiljon o‘g‘li

*O‘zbekiston Yoshlar ishlari agentligi Farg‘ona viloyat boshqarmasi
bo‘lim boshlig‘i,*

MUNDARIJA / TABLE OF CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

ANIQ FANLAR

| SO'Z BOSHI | | |
|--------------|---|----|
| | | 10 |
| 1. | Abdukarimov Abdusalom, Mađamiñov Sanjarbek Maħmudjon ўғли РИЧАГЛИ КОНТУРИ АНТИПАРАЛЛЕЛОГРАМ БЎЛГАН ТИШЛИ- РИЧАГЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ УЗАТИШ МЕХАНИЗМИДА МАВЖУД ОРТИҚЧА БОҒЛАНИШЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ | 12 |
| 2. | Axatov Xudoynazar Norim og'li, Omonov Zarshid Jumanazar o'g'li UCH QATLAMLI QOVUSHOQ-ELASTIK PLASTINKANING TEBRANISHLARI TAQRIBIY VA CHASTOTA TENGLAMALARI | 15 |
| 3. | Abdug'aniyev Axror Shavkat o'g'li AXBOROT TEXNOLOGIYALARI YORDAMIDA MASOFADAN TURIB DARS O'TISH VA ULARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI | 18 |
| 4. | Matchonov Quvonchbek Po'lat o'g'li ELEKTROSTATIKA MASALALARINI YECHISHDA INTEGRALDAN FOYDALANISH | 24 |
| 5. | A.Sh.Xusanova. Iqboljon Hakimov THE USAGE OF INNOVATION TECHNOLOGIES IN EDUCATIONAL SYSTEM | 28 |
| 6. | Abdujborov Zafar Abdusattorovich AUDIOMALUMOTLARNI FRAKTALLI MODELLASHTIRISH | 31 |
| 7. | Mamatova Shirin Faxriyevna. OPERATSION SISTEMA HAQIDA | 36 |
| 8. | Qobilova Kamola Azamatovna, Panjiyeva Nasiba Narmaxmatovna PROBLEMS OF STYLISTICS AND INTERDISCIPLINARY APPROACH TO INVESTIGATION OF STYLISTIC DEVICES | 38 |
| 9. | Quziyeva Mavsuma YORUG'LIKNING TO'LQIN XOSSALARI. YORUG'LIK INTERFERENSIYASI | 41 |
| 10. | Mizomov Inomjon Erkin o'g'li KO'RINISHIDAGI TENGLAMANING BUTUN YECHIMLARINI TOPISH | 43 |
| 11. | Yuldoshova Zarnigor Sayfullo qizi ODDIY DIFFERENSIAL TENGLAMALARNING UMUMLASHGAN YECHIMLARINI TOPISH USULLARI HAQIDA. | 46 |
| 12. | Aħmedova Xurshida, Pulatova Muslima ИНКЛЮЗИВЛИКНИ ИНТЕГРАЦИЯ БИЛАН МУСТАХКАМЛАШ УСУЛЛАРИ. | 50 |
| 13. | Маматкаримова Махфуза Хагамошна, ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МАТЕМАТИК ТУШУНЧАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ. | 54 |
| 14. | Мамаджонов Улуғбек Тоҳирович ЧИЗИҚЛИ ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИНИ ГАУСС УСУЛИ БИЛАН ЕЧИШ | 56 |
| 15. | Никадамбаева Ҳилола Батировна, Турсунова Нозима Бахтиёрвна ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ | 61 |
| 16. | Мамаджонов Улуғбек Тоҳирович ТЎПЛАМЛАР ВА УЛАР ҲАҚИДА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР. | 64 |
| 17. | Холмирзаев Нодиржон Низомжонович УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСКИЧЛАРИ | 67 |
| 18. | Мамаджонов Улуғбек Тоҳирович ЧЕКСИЗ КИЧИК КЕТМА-КЕТЛИКЛАР ХОССАЛАРИ | 69 |
| 19. | Xamidullayeva Shaxnoza Baxtiyor qizi. QIZIQARLI MATEMATIKA ‘‘AJOYIB KVADRATLAR’’ | 72 |
| TABIY FANLAR | | |
| 20. | Diniyeva Guliston Kurbanbaevna ELECTRONIC THEORY OF CHEMICAL BONDS | 75 |
| 21. | Mamajonova Mahliyo Mo'ysinjon qizi, Rustamova Mehrinigor Ibrohimjon qizi ACORUS CALAMUS | 78 |
| 22. | Sharipov Izzat Egamberganivch ATMOSFERANI MUHOFAZA QILISH | 81 |
| 23. | Boboyorov Sardor Uchqun o'g'li NAFAS YETISHMOVCHILIGI | 84 |
| 24. | DINIYEVA GULISTON KURBANBAEVNA CLASSIFICATION OF ORGANIC REACTIONS | 86 |
| 25. | Saxibov Samijon. BIZ BILGAN VA BILMAGAN D.I.MENDELEYEV | 90 |
| 26. | Sheraliyev Murodulla Abdurazzoq o'g'li | 92 |

“ZAMONAVIY TA’LIM TIZIMINI RIVOJLANTIRISH VA UNGA QARATILGAN KREATIV G’OYALAR, TAKLIFLAR VA YECHIMLAR” MAVZUSIDAGI 1-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ON-LINE KONFERENSIYASI

| | | |
|--------------------------------|--|-----|
| | ONA SUTINING AHAMIYATI, OGIZ BO'SHLIGIDA NUQSONI BOR BOLALARNI OVQATLANTIRISH | |
| 27. | Осмонов Шокиржон Зокиржон угли, Умаров Шермухаммад Нурмадат угли КАРТОШКА НАВ НАМУНАЛАРИ ВА УНДИРИШ УСУЛЛАРИНИНГ КАРТОШКА ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ | 94 |
| 28. | Djumayeva Farangiz Rashidovna TIBBIY TURIZMNING SHAKLLANISHI, RIVOJLANISH BOSQICHLARI HAMDA O'ZBEKISTONDA TIBBIY TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSION YONDASHUV | 97 |
| 29. | Хасанов Улугбек Абдусалом ўгли “ТАФСИР-УЛ-МУНИР” ВА “ТАФСИР-УЛ-ВАЖИЙЗ” АСАРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ИЛМИЙ ТАХЛИЛИ | 102 |
| 30. | Yaxshiyeva Zuxra Ziyatovna, Xojiyeva Sarvinov Sadridinovna DARS JARAYONIDA EKSPERIMENTAL MASALALAR YECHISHNING AHAMIYATI VA METODIKASI | 106 |
| 31. | Zilola Zokirova Qaxramon qizi MAISHIY SHIQINDILARDAN SAMARALI FOYDALANIB, IKKILAMCHI MAHSULOT Olish | 108 |
| 32. | Ирназаров Акмал Абдуллаевич, Авлоназаров Хуршид Абдухафизович ГИБРИДНОЕ ЛЕЧЕНИЕ ЗАБОЛЕВАНИЙ СОННОЙ АРТЕРИИ И КРИТИЧЕСКОЙ ИШЕМИЕЙ КОНЕЧНОСТЕЙ | 112 |
| 33. | Д.А.Жўраев, Искандарова Муштарий ПАХТА ХОМАШЁСИНИ ЙИРИК ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИДА АРРАЧАЛИ БАРАБАН ВА КОЛОСНИКЛАР ОРАСИДАГИ МАСОФАНИНГ ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ ТАХЛИЛИ | 114 |
| 34. | Nikadambaeva Hilola Batirovna, Boltaev Rustam Yangiboevich AMALIY GEOGRAFIYA FANINI O'QITISH JARAYONIDA “SWOT -TANLIL” METODIDAN SAMARALI FOYDALANISH | 118 |
| 35. | Ирназаров Акмал Абдуллаевич, Авлоназаров Хуршид Абдухафизович ОПТИМИЗИРОВАТЬ ТАКТИКУ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКОЙ ИШЕМИЕЙ НИЖНИХ КОНЕЧНОСТЕЙ ПРИ МУЛЬТИФОКАЛЬНОМ АТЕРОСКЛЕРОЗЕ | 121 |
| 36. | Халилова Гулжаҳон Фахриддин кизи ОРГАНИЗМЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ. СУВ ВА МИНЕРАЛ МОДДАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ | 129 |
| ЎТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР | | |
| 37. | Ахмедова Хуршида, Пулатова Муслима МЕТОДЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ ДЕТЕЙ С ОСОБЫМИ ПОТРЕБНОСТЯМИ | 133 |
| 38. | Tadjiyeva Umida Faxriddin qizi DO'STLIK, BIRODARLIK AKS ETGAN ARAB XALQ MAQOLLARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI | 137 |
| 39. | Kodirova Dilfuzaxon Abrorxonovna ZAMONAVIY KO'RINISHDAGI DINIY EKSTRIMIZMNING AXBOROT HURUJLARIDAN HIMOYALANISH | 139 |
| 40. | Qurbonova Zulfizar Erkinjon qizi, Sulaymanova To'xtaxon O'SMIRLAR O'RTASIDA HUQUQBUZARLIKNI OLDINI OLIISHDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK TA'SIR KO'RSATISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI | 143 |
| 41. | Шакирова Нафиса Абраровна ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЕРОРИЗМ ВА ЭКСТРИМИЗМГА ҚАРШИ ҚУРАШИШДАГИ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ | 146 |
| 42. | Kochkinov Shahzod Saxobiddinovich DIGITAL ECONOMIC INFRASTRUCTURE. THE EFFECT OF THE DIGITAL ECONOMY ON EDUCATION | 150 |
| 43. | Axmadjon Muxtorjonov YANGILANAYOTGAN O'ZBEKISTON. O'ZBEKISTON RENESSANSI | 152 |
| 44. | Boqiyeva Dilroz Umarjon kizi MY GOALS AS A TEACHER AND TO CREATE AND ESTABLISH HEALTHY LEARNING ENVIRONMENT IN OUR SOCIETY | 154 |
| 45. | Mansurov Maxsudjon Maxmudjonovich GLOBLASHUV JARAYONIDA OMMAVIY TARTIBSIZLIK LARNI KO'RINISHLARI | 156 |
| 46. | Бўриев Жалолiddин Алиқулович ЎЗБЕКИСТОНДА РҲЙХАТДАН ЎТГАН ИСЛОМ ДИНИГА ОИД САЙТЛАР ТАХЛИЛИ | 158 |
| 47. | Kholova Nargis Ravshanovna, Najimova Ziyodaxon Nosir qizi THE INTRODUCTION OF PREGNANT WOMEN WITH CORONAVIRUS COVID-19 | 163 |
| 48. | Yuldosheva Gavhar O'tkirovna OLIGOFRENIYA (AQLI ZAIFLIK) VA ISLOMDA ULARGA MUNOSOBAT | 167 |
| 49. | Oripov Toshpo'lat Bo'riyevich O'ZBEKISTON VA BMT HAMKORLIGINING YANGI BOSQICHI | 170 |

“ZAMONAVIY TA’LIM TIZIMINI RIVOJLANTIRISH VA UNGA QARATILGAN KREATIV G’OYALAR, TAKLIFLAR VA YECHIMLAR” MAVZUSIDAGI 1-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ON-LINE KONFERENSIYASI

| | | |
|-------------------------------------|---|-----|
| 50. | Xudoyberdiyeva Shahnoza “O’TKAN KUNLAR” ASARINING TARBIYAVIY AHAMIYATI | 173 |
| 51. | Raximboyev Izzat Soatboyevich. O‘ZBEKISTONDAGI XALQARO TASHKILOTLAR HISOBOTLARIDA ARXIV MANBASI SIFATIDA- YUNESKO | 175 |
| 52. | Matkarimova Barno PERSONALITY AS AN OBJECT AND SUBJECT OF SOCIAL INFLUENCES | 177 |
| 53. | Khamdamova Kholida Shukhratovna POPULATION MIGRATION AND TERRITORIAL CHARACTERISTICS IN UZBEKISTAN | 179 |
| 54. | Saodat Usarova Utkir kizi GENERAL CONCEPTS OF CORRUPTION WITHIN THE FRAMEWORK OF ANTI-CORRUPTION AND COMPLIANCE MODULE: ITS CAUSES AND CONSEQUENCES. | 181 |
| 55. | Saydakhmedova Khumora Murotjonovna, Sattorova Ozoda Musurmonovna SOME ACTUAL PROBLEMS IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM AND WAYS TO SOLVE THEM | 184 |
| 56. | Fozilov Jakhongir Ibrohimovich, Davidova Ekaterina Pavlovna FEATURES AND IMPORTANCE OF HYGIENE OF CHILDREN IN PRIMARY SCHOOL | 187 |
| 57. | Авазбек Жумабоев Алижон ўгли ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ | 189 |
| 58. | Адизова Хилола Абдумаликовна АБДУЛКАРИМ ШАХРИСТОНИЙНИНГ “АЛ-МИЛАЛ ВАН-НИХАЛ” АСАРИ ЯРАТИЛИШ ДАВРДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲОЛАТ | 191 |
| 59. | Юсупова Дилноза Файзуллаевна ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ЎРТАСИДА КИТОБХОНЛИКНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУКУБЗАРЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ | 195 |
| 60. | Иманова Умида Бахтиёровна, Жўраев Фаррух МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ | 198 |
| 61. | Azizbek Rustamov Madaminjonovich, Qodirov To'liq Jumayevich TERI VA MO'YNA SANOATI SOHASIGA INNOVATSION TA'LIM KLASTERNI YARATISH VA JORIY ETISH | 204 |
| 62. | Никадамбаева Хилола Батировна, Никадамбаева Дурдона Рухуллаевна “АҚШ ВА ЕВРОПА ЖУРНАЛИСТИКАСИ” ФАНИНИ МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИГА “АСАЛАРИ ГАЛАСИ” СТРАТЕГИЯСИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ | 207 |
| 63. | Қурбонов Озод Сайфидинович, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА НОГИРОНЛИК МАСАЛАЛАРИГА ЁНДАШУВ | 211 |
| 64. | Турсунова М.А. ЁШЛАР-КЕЛАЖАГИ БУЮК ЮРТ АСОСЧИЛАРИ | 214 |
| 65. | Турсунова Нафиса Тоштемировна МАРКЕТИНГ КОММУНИКАЦИЯЛАРИ ТИЗИМИДА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАРИНИНГ ЎРНИ | 216 |
| 66. | Хўжаева Парвина ЎЗБЕК ВА ТОЖИК АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ҚАДИМИЙЛИГИ | 219 |
| 67. | Холмирзаев Нодиржон Низомжонович, УРБАНИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ | 221 |
| 68. | Улжаев Эркин, Сулейманова Шоира РАЗРАБОТКА МЕТОДА И УСТРОЙСТВА КОНТРОЛЯ СТЕПЕНЕЙ КАСАНИЯ ЩЕТОЧНЫХ СЪЕМНИКОВ НА ЗУБЬЕВ ШПИНДЕЛЕЙ УБОРОЧНОГО АППАРАТА ХЛОПКОУБОРОЧНОЙ МАШИНЫ | 223 |
| SAN’AT VA JISMONIY MADANIYAT | | |
| 69. | Ismoilova Mohigul Akramjon qizi O‘ZBEK MUSIQA MEROSINING XAZINABONI | 228 |
| 70. | Obidova Nodira ANVAR OBIDJON-BOLALAR ADABIYOTINING YIRIK NAMOYONDASI | 231 |
| 71. | Hasanova Flora Djumabekova NEKBIN TUYG‘ULAR IOFODASI | 232 |
| 72. | Muxtorjonov Axmadjon Farxodjon o‘g‘li, Murodullayeva Aziza Hakimjon qizi KITOB. SO‘Z VA BADIY ADABIYOT | 234 |
| 73. | Abdullayev Ravshanbek Gulshanoy Tursunova “LAZGI” - YURTIMIZNING NOMODDIY MADANIY MEROSI | 236 |
| 74. | Normuminova Maftuna Iloxom qizi, Shodiyev Saidkarim Toyrovich JISMONIY MASHQLARNING O‘QUVCHI-YOSHLARNI SOG‘LOMLASHTIRISHDAGI AHAMIYATI | 238 |
| 75. | Xaminova Shahnoza ULUG‘BEK HAMDAM HIKOYALARIDA BADIY DETALDAN FOYDALANISH MAHORATI | 240 |

“ZAMONAVIY TA’LIM TIZIMINI RIVOJLANTIRISH VA UNGA QARATILGAN KREATIV G’OYALAR, TAKLIFLAR VA YECHIMLAR” MAVZUSIDAGI 1-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ON-LINE KONFERENSIYASI

| | | |
|----------------------------------|--|-----|
| 76. | Tehron Furkat o'g'li Murodov MUSIQA MADANIYATI DARSLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH USULLARI | 243 |
| 77. | Нишоновна Дилрабохон Абдуваҳидовна МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ | 246 |
| 78. | Абдулхаева Зулфияхон Аҳмад кизи ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРДА ҲАРАКАТ ТЕЗКОРЛИГИНИ ПУЛЬСОМЕТРИК ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ | 248 |
| 79. | Mo'minxo'jayeva Nilufar Faxriddin qizi TASAVVUF XONAQOHLAR ARHITEKTURASI | 252 |
| 80. | Тожиев Додобой Аслонбоевич ШАХМАТ БУ- ХАМ САНЪАТ, ХАМ ФАН, ХАМ СПОРТ | 258 |
| PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA | | |
| 81. | Xolova Aziza Anvarovna PRACTICE BASED METHOD AS COMMUNICATIVE APPROACH TO TEACHING VOCABULARY | 265 |
| 82. | Dildoraxon Yunusova BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA KITOB O'QISHNI SHAKLLANTIRISH | 267 |
| 83. | Hamroaliev Bobur Hamdamzoda, Xidirov Xurshed Usmoilzoda YOSHLARDA INTERNETDAGI YOT G'OYALARGA QARSHI MAFKURAVIY IMMUNITETNI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK ASOSLARI | 270 |
| 84. | Hayitova Zarnigora Muxtorovna JAMOANING PSIXOLOGIK MANZARASI | 273 |
| 85. | Zulfiya Ibrohimjonova Baxtiyorjon qizi, Dilrabo Xolmirzayeva G'ofurjon qizi BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING MANTIQUIY FIKRLASHINI RIVOJLANTIRISHDA BOSHQOTIRMALARNING O'RNI | 276 |
| 86. | Temirov Zaylobidin Boboavezovich, Xidirov Xurshed Usmoilzoda “MEN” KONSEPSIYASINING PSIXOLOGIK ASPEKTLARI | 279 |
| 87. | Xojirahimova Muqaddam TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHI SHAXSINI TO'G'RI TARBIYALASH DAVR TALABI | 281 |
| 88. | Xushbaqov Xuram Tilovovich, Boltayev Boxodir Nomozovich BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QUVCHILARNING O'ZLASHTIRISH JARAYONIDA ZAMONAVIY METODLAR | 284 |
| 89. | Musulmanova Dilafrus Amanovna, Musulmanova Feruza Omonovna BOSHLANG'ICH SINFLARDA SINFDAN TASHQARI O'QISHNI TASHKIL ETISH METODLARI | 287 |
| 90. | Abdullayeva Shohida MAKTAB PSIXOLOGINING MAVQEYINI KO'TARISH KERAK | 289 |
| 91. | Ruzmetova Karomat Odilbekovna O'QITUVCHINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI | 291 |
| 92. | Saparova Sohiba Jumanazarovna BOLA TASAVVURINI KENGAYTIRISH | 293 |
| 93. | Imomova Shohista Bo'riboyevna DARSGA TAYYORGARLIK JARAYONIDA O'QITUVCHINING IJODKORLIGI | 295 |
| 94. | Sodiqova Nilufar Rahimjonqizi. O'QITUVCHI PSIXOLOGIYASI | 299 |
| 95. | Suyunova Matluba Abdusaidovna MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA IJTIMOYILASHUV JARAYONLARI VA VOSITALARI | 301 |
| 96. | Umbarova Mavluda G'aniyevna MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASALARIDA TARBIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI | 303 |
| 97. | Юсупова Гавхар Ачиловна, АКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ | 305 |
| 98. | Усарова Муборак Фахриддиновна БОШЛАНГИЧ SINIF ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА SINIF РАҲБАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ВА ТАЪЛИМИЙ ЖИҲАТДАН ЁНДАШУВИ | 313 |
| 99. | Раҳмагуллаева Гавҳар Илҳомовна МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ | 316 |
| 100. | Karimov Jahongir SHAXS RIVOJLANISHIGA IJTIMOYIY TARBIYANING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK TA'SIRI | 321 |
| 101. | Юсупова Гавхар Ачиловна АКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ | 323 |
| 102. | Киличева Каромат Юнустаевна, Киличева Гавхар Садиқовна TASAVVUF ALIOMALARI MEROSIDA USTOZ-SHOGIRDNABMUHA MAKTEBI | 331 |

“ZAMONAVIY TA’LIM TIZIMINI RIVOJLANTIRISH VA UNGA QARATILGAN KREATIV G’OYALAR, TAKLIFLAR VA YECHIMLAR” MAVZUSIDAGI 1-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ON-LINE KONFERENSIYASI

| | | |
|-------------------|--|-----|
| 103. | Нишонава Гулнара Усмановна ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР СОҶАСИ ВА ТАЪЛИМИДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ | 334 |
| 104. | Юлдашева Рохатой, Долимова Гулчехра О ПРИЁМЕ ПРОТИВОПОСТАВЛЕНИЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ РЕШЕНИЮ ЗАДАЧ В IV КЛАССЕ | 337 |
| 105. | Курбонова Моҳидилхон ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ВА ТАЪЛИМ | 342 |
| 106. | Тожибоев Сарвар Пулатжон ўғли, ҲАЛОЛ ВА САДОҚАТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ: ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ | 344 |
| 107. | Хуршида Қулмаматова ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАР КРЕАТИВЛИГИНИ СХЕМАЛАР ОРКАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ | 347 |
| 108. | Исмоилов Искандаржон Мамадисроилович МЕТОДИК ТАВСИЯ | 350 |
| FILOLOGIYA | | |
| 109. | Holmatov Ihtiyor Baxtiyorovich ЯХШИ ОИЛА БОШЛИГИНИ ТАРБИЯЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ | 354 |
| 110. | To'rayeva Dilfuzaxon Muhammedovna, Shokirov Nurmuhammad O'zbek o'g'li “BOBURNOMA” VA O‘ZBEK ADABIY TILI | 356 |
| 111. | Abdulazizova Adibaxon Akram qizi, Rasulova Iroda Akram qizi TA’LIM RUS TILIDA OLIV BORILADIGAN MAKTABLARDA O‘QUVCHILARNING NUTQIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING SAMARALI USULLARI | 359 |
| 112. | Karimova Durdon Farxodovna SOCIOLOGICAL COMPETENCE: PROMOTION AND ASSESSMENT | 362 |
| 113. | Dadabayev Zafar Zakirovich, LEARNING ENGLISH THROUGH SONGS | 367 |
| 114. | Bobokalonov Sherzod Muxammadjonovich FUNNY ACTIVITIES DURING LESSONS FOR ENGLISH TEACHERS | 369 |
| 115. | Jabborova Nasiba Jalolovna INCREASING STUDENT INTEREST IN ENGLISH TEACHING | 371 |
| 116. | G'aniyeva Mashxura Tadjibayevna INGLIZ TILI DARSLARIDA BADIY ADABIYOTNING AHAMIYATI VA O'RNII | 373 |
| 117. | Sobirov Soyibjon Sodiqjon o'g'li O‘ZBEK TILINING TILSHUNOSLIK BO‘LIMIDAGI AYRIM SO‘ZLARNING TURKUMGA KIRITILMAGANLIGI VA NOO‘RIN TURKUMGA AJRATILGANLIGI | 376 |
| 118. | Mamayusuf Anorboyev O'rol o'g'li . ONLINE TA'LIM FRANSUZ TILI O'QITISH METODIKASI | 378 |
| 119. | Mashhura Yuldosheva SO‘ZLASHUV NUTQIDA PRAGMATIK MA‘NONING IFODALANISHI | 380 |
| 120. | Mashhura Yuldosheva SO‘ZLASHUV NUTQIDA PRAGMATIK MA‘NONING IFODALANISHI | 383 |
| 121. | Nomonjonova Mashhura ONA TILI – MILLAT KO‘ZGUSI | 386 |
| 122. | Usmonova Nargiza Komilovna ONA TILINI HURMAT QILGAN AVLODNING ERTASI BUYUK BO‘LADI | 389 |
| 123. | Qahharova Sabohat Abdug‘afurovna O‘ZBEK TILI GRAMMATIKASI JADVALLARDA | 392 |
| 124. | Авазбек Жумабоев Алижон ўғли АНВАРШОХ КАШМИРИЙНИНГ «ЖОМЕЪ АТ-ТЕРМИЗИЙ» АСАРИГА ЁЗГАН «АЛ-АРФ АШ- ШАЗИЙ» АСАРИ ҲАҚИДА | 395 |
| 125. | Авазбек Жумабоев Алижон ўғли АНВАРШОХ КАШМИРИЙНИНГ «ЖОМЕЪ АТ-ТЕРМИЗИЙ» АСАРИГА ЁЗГАН «АЛ-АРФ АШ-ШАЗИЙ» АСАРИ ҲАҚИДА | 397 |
| 126. | Тўраева Сайёра Бахтиёрвна ТОГАЙ МУРОД АСАРЛАРИНИНГ БАДИИЙ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ | 399 |
| 127. | Мирзаева Наргиза Абдукахаровна, ЖУРНАЛИСТИКАДА ИХТИСОСЛАШУВ: ТИЛ, УСЛУБ ВА МАҲОРАТ МАСАЛАСИ | 402 |
| 128. | Базаров Собиржон Бекташович НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ АСАРЛАРИДА ИТ ВА БЎРИЛАР ОБРАЗИ | 406 |
| 129. | Адамбаева Юлдуз Давлатбаевна, Гажимова Шаркия Гулимбоевна ОНА ТИЛИМ-МИЛЛАТ РУҲИ | 410 |
| 130. | Ризаева Дилдора Хакимджановна ТЕЛЕВИДЕНИЕДА БУЮК МУТАФАККИРЛАР СИЙМОЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ | 412 |
| 131. | Улдона Абдурахмонова, ХАЛҚ ҚАЛБИДАН КУЧ ОЛГАН АДИБ | 414 |

“ZAMONAVIY TA’LIM TIZIMINI RIVOJLANTIRISH VA UNGA QARATILGAN KREATIV G’OYALAR, TAKLIFLAR VA YECHIMLAR” MAVZUSIDAGI 1-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ON-LINE KONFERENSIYASI

| | | |
|--------------|--|-----|
| 132. | Усмонова Нигора Абдулхамидовна ПУБЛИЦИСТИКАДА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ | 418 |
| 133. | Садуллаев Файёз Фархадович УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ | 421 |
| 134. | Яхьяева Насиба Халимовна АКТИВНЫЕ ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ | 423 |
| 135. | Никадамбаева Хилола Батировна, ЖУРНАЛИСТИКА ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА БУЮК МУТАФАККИР АЛЛОМАЛАРНИНГ ЎГИТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ | 427 |
| 136. | Эшанова Мохира Юлдашбаевна ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЭГАЛЛАШДА ЁШ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАКТОР ТАЪСИРИ, САМАРАЛИ ЁНДАШУВЛАР ВА ДИСКУРС МАСАЛАЛАРИ | 430 |
| 137. | Якубова Феруза Анваровна ГАЗЕТА ТИЛИ ВА УНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ВОСИТАЛАР | 434 |
| TARIX | | |
| 138. | Ahmedov Husniddin Ixtiyorovich “SHARQ FALSAFASI G’ARB FALSAFASINING “TARJIMA”SI EDIMI?” | 438 |
| 139. | Бўриев Жалолiddин Аликулович АМИР ТЕМУРГА ҚАРШИ ТУЗИЛГАН БИР ИТТИФОҚ ҲАҚИДА | 441 |
| 140. | Qobilova Saidaxon Muhammad qizi, Boboyev Miroddillo Qosimjon o’g’li АНОЛИ МИГРАТСИЙАСИ ВА УНИНГ HUDUDIY XUSUSIYATLARI | 446 |
| 141. | Maqsudov Husan O’ktamovich НАВОИЙ НАСРИДА ФАНО ВА БАҚОГА МУНОСАБАТ | 449 |
| 142. | To’xtasinov Ro’zimuhammad QIMMATVANO TOSHLARNI RO’ZG’OR BUYUMI SIFATIDA FOYDALANISHGA DOIR SHAR’IY HUKMLAR | 452 |
| 143. | Шахноза Назарова ЧЎЛПОН ВА ЯНГИ ДАВР | 456 |
| 144. | Нурмухамедов Самариддин Алимардон ўғли УҲАММАД ШАЙБОНИЙХОНГА БАҒИШЛАБ ЁЗИЛГАН АСАРЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ БАЁНИ | 459 |
| 145. | Qoryog’diyeva Dilbar Radjabovna, Sattarova Nargiza Islamovna ULUG’BEK VA UNING ILMIY MAKTABI | 462 |
| 146. | Xudoyqulova Dilshoda Sharofiddin qizi FRANSUZ MAQOLLARINING XILMA-XILLIGI | 467 |
| 147. | Yusufxo’jaev Abdulloh Saidjamol o’g’li MALAYZIYA DINIY TA’LIMI HAQIDA | 470 |
| 148. | Ҳасанхон Яхё Абдулмажид СУҲУФИ БАКРИЯ МАТНИ БИЛАН УСМОН МУСҲАФЛАРИ РАСМИ ХАТИ ЎРТАСИДА АСОСАН ҚАНДАЙ ФАРҚЛАР МАВЖУД БЎЛГАН? | 473 |
| 149. | Ғаниев Абдувоси Абдумаликович УБАЙДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУД СОДРУШ ШАРИҲАНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ | 477 |
| 150. | Низаматдинов Есенгелди Камалатдин ули ШИРК ТУШУНЧАСИ МОҲИЯТИ | 481 |
| 151. | Арслонов Зарифжон Зокиржон ўғли АЛИХОНТЎРА СОҒУНИЙ АСАРЛАРИНИНГ ИСЛОМ ИЛМЛАРИ РИВОЖИДАГИ АҲАМИЯТИ | 484 |
| 152. | Ибраҳимова Дилором ИСЛОМ ДИНИ - МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА | 490 |
| 153. | Муҳаммадайтиб Караматович Азимов ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ҚУРЪОН ВА СУННАТДАН МИСОЛЛАР” АСАРИДА ИЛМ- МАЪРИФАТ, ОЛИМЛАР ВА ҚАЛБ ИШЛАРИГА ДОИР МАСАЛАЛАР ТАЪРИФИНИНГ ЁРИТИЛИШИ | 495 |
| 154. | Неъматов Улуғбек Очилович АБДУЛАЗИЗ БУҲОРИЙНИНГ УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАРИ | 502 |
| 155. | Отажонова Дилфуза Отабек кизи , Сапаев Дусчан Шухратович КОМПЛЕКСНАЯ ДИАГНОСТИКА ЭХИНОКОККОЗА ПЕЧЕНИ В РЕГИОНАХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ | 505 |
| 156. | Шерхон Қораев ПАҲЛАВОН МУҲАММАД АДАБИЙ МАЖЛИСЛАРИ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ | 510 |
| 157. | Тўлкинжонов Собиржон Тохиржон ўғли АМИР ТЕМУР – БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА МАЪНАВИЯТ СОҲИБИ | 514 |
| 158. | Ҳасанов Улуғбек Абдусалом ўғли «ТАФСИР-УЛ-МУНИР» АСАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ | 516 |

SO‘Z BOSHI

Dunyoda sifatli ta’lim olish shaxsning jamiyatda o‘z o‘rnini topishida muhim xususiyatlaridan biri hisoblanadi. Jumladan, 2030 yilgacha qabul qilingan Umumjahon ta’lim Kontsepsiyasida “butun hayot davomida sifatli ta’lim olishga imkoniyat yaratish” g‘oyasi ta’lim oluvchilarning zamonaviy sharoitlarda sifatli ta’lim olishlari, ta’lim oluvchilarning hayotiy kompetentsiyalarini egallashi, kreativ (ijodiy) tafakkurini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilgan.

Jahon tajribalarga asosan bir qancha rivojlangan mamlakatlarning nufuzli ilmiy-tadqiqot markazlarida ta’lim jarayonini zamonaviy sharoitlarda sifatli amalga oshirishning ilmiy asoslangan ilmiy, nazariy, metodik tizimini yaratish borasida salmoqli amaliy natijalarga erishilgan. Shunga ko‘ra, ta’lim oluvchilarni amaldagi ta’lim yondashuvlarini zamon talablariga mos holda o‘zgartirish va o‘zlashtirilgan nazariy bilimlarni amaliyotda qo‘llay olish ko‘nikmalarini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Bunda, zamonaviy ta’lim tizimini rivojlantirish jarayonida didaktik imkoniyatlarini takomillashtirishda ularning faoliyatlarida kreativlik muammolariga yechim topish va amalga tatbiq etishda o‘qitishning zamonaviy interfaol metodlaridan foydalanish ko‘nikmalari muhim o‘rin egallaydi. Shu nuqtai nazardan ta’lim-tarbiya jarayonida ta’limning zamonaviy tendentsiyalarini ta’lim tizimlariga samarali joriy etishga alohida e’tibor qaratish zarur hisoblanadi.

Mamlakatimizda ta’lim sifatini oshirishga zamonaviy talablar asosida o‘quv dasturlarini, o‘quv-metodik adabiyotlar majmualarini yangilash, o‘quv jarayoniga zamonaviy ta’lim texnologiyalarini joriy etishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Jumladan, Prezidentimizning “2019-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi Farmonida “Jamiyat va davlat hayotining barcha sohalari shiddat bilan rivojlanayotgani islohotlarni mamlakatimizning jahon sivilizatsiyasi yetakchilari qatoriga kirish yo‘lida tez va sifatli ilgarilashini ta’minlaydigan zamonaviy innovatsion g‘oyalar, ishlanmalar va texnologiyalarga asoslangan holda amalga oshirishni taqozo etadi” deb alohida ta’kidlangan.

Uzluksiz ta’lim tizimida yuksak malakali, ijodkorlik va tashabbuskorlik qobiliyatiga ega, kasbiy va hayotiy muammolarni mustaqil hal qila oladigan, yangi texnika va texnologiyalarga tez moslanishga layoqatli kadrlarni tayyorlashda pedagogika sohasidagi bilimlardan foydalanish strategiyalarini takomillashtirishni taqozo etmoqda va zamonaviy sharoitda ta’lim jarayonining barcha imkoniyatlariga ko‘ra shaxsni rivojlantirish, ijtimoiylashtirish va unda mustaqil, tanqidiy, ijodiy fikrlash qobiliyatlarini tarbiyalashga yo‘naltirilishi talab qilinmoqda. Maqsadimiz, oliy ta’lim muassasalari professor-o‘qituvchilari, ta’lim muassasalarining rahbarlari, ilmiy tadqiqotchilar, maktab o‘qituvchilari hamda ijodkor yoshlarni ilmiy va metodik bahsga chorlashdir. Mazkur ilmiy on-line konferensiya ham ana shunday ishlarning bir qismi hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, ertangi kunimiz, kelajagimizning yanada porloq bo‘lishini belgilovchi omillar ko‘p, sabablar bisyor. Lekin ularning hech biri zamonaviy ta’lim tizimini rivojlantirishga qaratilgan kreativ g‘oyalar, takliflar va yechimlarni bartaraf etmaslikni taqazo etolmaydi. Shunday ekan mazkur konferentsiyaning asosiy maqsadi ham barkamol avlodga ta’lim berish va tarbiyalashdek muhim vazifalarni bajarishda ta’lim sifat va samaradorligini oshirishga xizmat qilishiga ishonch bildirib qolamiz.

*U.Q.Maqsudov
tahrir hay’ati raisi*

Навоий насрида фано ва бақога муносабат

Maqsudov Husan O’ktamovich

“Azon kitoblari” kitoblari bosh muharriri

Навоий бир қатор насрий, илмий-тарихий, биографик ва эпик асарларида ўзи мутолаа қилган китобларни санаб ўтади. Улуғ мутафаккир шоир қайд этган эътирофлар, айниқса, унинг устози ва маслакдоши Абдурахмон Жомий вафоти муносабати билан ёзилган «Хамсат ул-мутаҳаййирин» ва Шарқда ўтган шайхлар ва сўфий зотлар ҳақида маълумот берувчи «Насойим ул-муҳаббат» сингари асарларидан ўрин олган. Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да Абдурахмон Жомий раҳбарлиги остида «Лавоех», «Шарҳи рубоиёт», «Лавомеъ», «Нафоҳат ул-унс», «Ашиъа ул-ламаот», «Шавоҳид ун-нубувват», Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг «Рисолаи волидия», Хожа Муҳаммад Порсонинг «Қудсия», Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илоҳийнома»си каби фалсафий-тасаввуфий асарларини мутолаа қилганини айтиб ўтади [1. 72–73-бетлар].

«Насойим ул-муҳаббат»да эса жами 100 дан ортиқ китоб номлари зикр этилган бўлиб, улар орасида Хужривийнинг «Кашф ул-махжуб», Қушайрийнинг «Рисолайи Қушайрий», Суламийнинг «Табакот ус-суфия», Абдуллоҳ Ансорийнинг «Манозил ус-соирин», Муҳаммад бин Мунавварнинг «Асрор ут-тавҳид», Абу Исҳоқ Дехлавийнинг «Асрор ул-авлиё» асарларини алоҳида санаб ўтиш мумкин [2. 14–19-бетлар].

Шу ўринда бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Навоийнинг фано ва бақога қизиқиши шунчаки тасодиф бўлмаган. У ҳатто форсий шеърлари учун махсус Фоний тахаллусини қўллаган. Хўш, Навоий мазкур сўфиёна тушунчаларнинг моҳиятини қачон ва қандай қилиб теран англай олган, ҳис қилган? Назаримизда, бу аввало, муҳит билан боғлиқ. Навоий таълим-тарбия олган ва камол топган муҳитда комилликка эришиш йўлидаги муҳим босқичлардан бўлган фано ва бақо тушунчаларига алоҳида эътибор билан қаралган ва мазкур тушунчалар маърифатнинг, ахлоқни тарбиялашнинг асосларидан бири сифатида кўрилган. Навоийнинг биографик характерган эга, шунингдек, фалсафий-ахлоқий асарлардаги фикрлар буни тўла тасдиқлайди. Биз шу ўринда ушбу асарлардаги фано ва бақога доир қарашларини Навоий яшаган муҳит билан нечоғли боғлиқлигини асослаш мақсадида уларни кўздан кечирамиз.

Навоийнинг сўфиёна қарашларининг шаклланишида устоз-ҳаммаслаклари орасида Абдурахмон Жомий ва Саййид Ҳасан Ардашерларнинг ўрни алоҳида, десак, муболаға бўлмайди. Буни зикр қилинган мутасаввиф шоирларга бағишлаган китобларда Навоийнинг ўзи ҳам алоҳида таъкидлайди. Жомий – улуғ олим,

тасаввуф назариётчиларидан ва бу таълимот асосларини шеър дostonларида куйлаган, тарғиб этган шахс. Навоий пири Абдурахмон Жомийнинг фазилатларини таърифлаганда «кошифи сирри Илоҳ» («илоҳиёт сирларини кашшофи»), «муршиди аҳли тавҳид» («вахдат тарафдорларининг раҳнамоси»), «пири соликон» («тариқат аҳлининг пири»), «ходии роҳи фано» («фано йўлининг раҳнамоси») каби сифатларни келтиради [1. 103-бет]. Яъни Жомий оддий сўфий эмас, у пир, раҳнамо, одамларни маърифат сари бошловчи, маърифат чашмасидан баҳраманд бўлиб, шу чашма кўзини очган ориф. Шу таърифлардан англаш мумкинки, «Ходии роҳи фано» бўлмиш Жомий Навоийнинг сўфиёна ҳаёти ва ижодида алоҳида ўрин тутади.

Навоий таржимаи ҳолига алоқадор ушбу ҳаётий факт ўта аҳамиятлидир. Бундан шу маълум бўладики, улуғ шоир ёшлигидаёқ ўзига раҳнамо деб билган шахслар томонидан фақру фано тариқига (йўлига), умуман, сўфиёна ҳаётга даъват этилган. Демак, фано мартабаси Навоий учун фақат анъанавий (китобий) ғоя эмас, балки ҳаётий маслак бўлган («Насойим ул-муҳаббат»ни варақлаш ўша даврнинг маънавий муҳитида ушбу маслак сезиларли ўрин тутганлигидан далолат беради).

Навоий умрининг сўнгги йилларида туркий тилда “Лисон ут-тайр” достонини ёзади. Мазкур асар фалсафий-тасаввуфий мавзуда яратилган бўлиб, улуғ форс-тожик адиби Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонига жавобан ёзилган. «Мантиқ ут-тайр» ҳам, «Лисон ут-тайр» ҳам мазмун-моҳиятига кўра тасаввуфий асарлардир. Уларнинг бош ғояси тасаввуф йўлига кирган кишининг, яъни солиқнинг ҳақиқатга етиш йўллариини образли тасвирлаб бериш, бу йўлда дуч келинадиган руҳий-маънавий қийинчиликлардан уларни огоҳ этиш ва уларга бу қийинчиликларни енгиб ўтиш воситаларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бунда кушлар солиқларнинг мажозий образлари, уларга бу қийинчиликларни енгиб ўтиш воситаларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бунда кушлар солиқларнинг мажозий образлари, уларга хос характер-хусусиятлар эса инсонларга хос нуқсон ва камчиликлардир. Уларнинг табиати йўлнинг бошида, асосан, нуқсонли бўлади. Тариқат йўлини ўташ давомида эса улар бирин-кетин бу нуқсонлардан қутула борадилар ва шу йўл билан асл мақсадга яқинлашадилар. Ушбу нуқсонлар қаторида нафс измида бўлиш, мол-дунёга, енгил-елпи ва жозибали ҳаётга муҳаббат, бир сўз билан айтганди, ўткинчи нарсаларга ҳавас кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Маълумки, тасаввуф таълимотида солиқ асл мақсадга, яъни Ҳаққа етиб бориши кўзда тутилади. Ҳаққа етиб бориш эса раҳбар-раҳнамо ва ёки пири муршид орқали бўлади. Бинобарин, «Лисон ут-тайр»да Семурғ Ҳақ, Ҳудхуд эса пир-муршиднинг символик образларидир [3. 155-бет]. Шу боисдан ҳам асарда тасаввуфда шаклланган тўғри йўл ҳақидаги қарашларнинг барчаси мана шу марказий образлар ҳисобланаган Семурғ ва Ҳудхуд орқали ифода этилади.

Навоий «Лисон ут-тайр»да тариқатнинг *Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Ҳайрат, Тавҳид, Фақру фано* сингари етти водийси таърифини келтиради. Еттинчи водий бўлмиш фақру фано водийсида ўзликдан воз кечиб, Симурғ билан бирлашиш, абадийликка қайтиш моҳияти мужассам. Навоий бунга шундай таъриф беради:

*Мундин ўтса ўтруга келмас яно,
Йўл аро жуз водийи фақру фано.
Йўқ бу водий ичра жуз хомушлуқ,
Гунгу кар бўлмоғлигу беҳушлуқ...
Ҳар неким қилсанг гумон топгон вужуд,
Буди йўқ, бу навъ эрур бори намуд.
Ғайри ҳаққим, қодирӣ барҳақдур ул,
Борча фоний, боқийи мутлақдур ул [4. 279-бет].*

Бундан ташқари, улуғ шоир дostonда фано ва бақони тушунтириш учун денгиз ва унинг тўлқинлари мотивига мурожаат қилади. Оламдаги янгилашишлар ва йўқ бўлиб кетишлар денгизнинг мавжларига ўхшайди. Оламдаги мавжудлик ўз моҳиятига кўра тўлқиннинг умри ва кўриниши каби қисқа ва ранг-баранг. Тўлқин – олам, яъни фано тимсоли, денгиз – Ҳақ таоло, яъни бақонинг тимсоли. Оламнинг борлиғи – аслида мавҳум ва бақосиз бўлиб, Ҳақнинг ўзидан ўзга барча мавжудот фонийдир. Шу сабабдан, боқийликка етишмоқ учун фонийи мутлақ бўлмоқ керак. «Лисон ут-тайр» достони ҳамда форсий асарларига Навоий ўзига айнан «Фоний» тахаллусини танлагани ҳам ушбу тушунча шоирнинг асосий маслағига уйғун эканлигини англатади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. МАТ. 20 томли. Т.15. – Тошкент: Фан, 1999.
2. Рамазонов Н. «Насойим ул-муҳаббат» ва унинг манбалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001. – №1.
3. Рамазонов Н. Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи. Монграфия. – Тошкент: Фан, 2015.
4. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томли. Т.12. – Тошкент: Фан, 1999.